

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ**306 Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида», «Қимматбаҳо металллардан ясалган буюмларнинг асиллик даражаси ва тамғаланиши тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2013 йил 15 августдаги 225-сон қарорига мувофиқ, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларнинг айланиши соҳасида тадбиркорлик субъектларининг рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтишининг ягона тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қимматбаҳо ва нодир металллар, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 9 мартдаги 112-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 йил., 3-сон, 25-модда) билан тасдиқланган Қимматбаҳо ва нодир металллар, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

3. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 12 июнь,
156-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 12 июндаги 156-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан
ишлашга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида», «Қимматбаҳо металллардан ясалган буюмларнинг асиллик даражаси ва тамғаланиши тўғрисида»ги қонунларига, Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2013 йил 15 августдаги 225-сон қарорига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини (кейинги ўринларда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси деб аталади) бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий атамалар қўлланилади:

рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси — қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни, шунингдек қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан тайёрланган заргарлик буюмлари билан чакана савдони амалга ошириш учун юридик шахсларга ва юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларга (кейинги ўринларда якка тартибдаги тадбиркор деб аталади) бериладиган рухсат этиш тусидаги ҳужжат;

ариза берувчи — қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни бажарувчи, рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигининг Давлат асиллик даражасини белгилаш палатасига (кейинги ўринларда Асиллик даражасини белгилаш палатаси деб аталади) ҳужжатлар тақдим этувчи юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор.

3. Асиллик даражасини белгилаш палатасида қуйидагилар рўйхатдан ўтказилади:

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни ишлаб чиқариш, илмий, ҳарбий, ўқув ва ижтимоий-маданий мақсадларда қазиб олиш, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, ишлов бериш, қўллаш ишларини амалга оширувчи, сотиб олувчи, реализация қилувчи, гаровга қабул қилувчи, савдо қилишда воситачилик хизматлари кўрсатувчи, сақловчи, кўрсатилган қимматликларни, уларни ўз ичига олган турли предметларни кўргазмага қўювчи, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларнинг парчалари ва чиқиндиларини тайёрловчи ва қайта ишловчи, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, юридик шахслар, шу жумладан кейинчалик қайта ишлашга жўнатиш учун таркибда қиммат-

баҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган узел ва деталларни ажратиб олиш мақсадида ҳарбий-техника воситаларини утилизация қилувчи Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда бошқа вазирликлар ва идораларга қарашли бўлган ҳарбий қисмлар, бўлинмалар, ташкилотлар ва муассасалар;

якка тартибдаги буюртма бўйича қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмлари тайёрловчи, шунингдек заргарлик буюмларини таъмирловчи якка тартибдаги тадбиркорлар.

Агар ушбу банднинг иккинчи хатбошида кўрсатилган ишларнинг турлари ташкилотнинг юридик шахс мақомига эга бўлмаган бир ёки бир нечта таркибий бўлинмалари томонидан амалга оширилса, тасарруфида ушбу таркибий бўлинмалар бўлган ташкилот рўйхатдан ўтказилади. Бунда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси, тегишли бўлинманинг реквизи́тлари кўрсатилган ҳолда, ташкилотга — юридик шахсга ҳар бир таркибий бўлинма учун алоҳида-алоҳида берилади.

4. Таҳлил учун азот кислотали кумушдан фойдаланувчи, қимматбаҳо металлларни ускуналар, приборлар, электр техникаси, ишга тушириш-тартибга солиш қурилма ва автоматикалар таркибида, бутловчи буюм ва деталларда, таркибида кумуш бўлган, ёруғликка таъсирчан материалларни (кинодан нусха кўчирувчи корхона ва киностудиялардан ташқари) ишлатувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар Асиллик даражасини белгилаш палатасида рўйхатдан ўтказилмайди.

5. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси:

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни амалга оширишга — ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ схема бўйича 5 йил муддатга;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан тайёрланган заргарлик буюмлари билан чакана савдо қилишга — ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ схема бўйича 1 йил муддатга берилади.

Якка тартибдаги буюртма бўйича қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлашга, шунингдек заргарлик буюмларини таъмирлашга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси якка тартибдаги тадбиркорга давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддатига берилади.

6. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси ариза берувчиларга уларни ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шакл бўйича Асиллик даражасини белгилаш палатасида рўйхатдан ўтказишда берилади.

II. Рухсат бериш талаблари ва шартлари

7. Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашда рухсат бериш шартлари ва талабларига қўйидагилар киради:

ариза берувчи томонидан қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари-

га, шунингдек улар билан ишлаш бўйича норматив-техник талабларга мажбурий риоя этиш;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларнинг тегишли турларини амалга оширишга талабларни тартибга солувчи зарур норматив-техник ҳужжатларнинг мавжудлиги;

зарур ҳамда белгиланган талабларга жавоб берадиган моддий-техник базанинг, ускуналар ва бошқа техник воситаларнинг мавжудлиги;

фаолият юритиладиган жойларда ёнғин хавфсизлиги, санитария-гигиена нормалари ва материаллар, хом ашё, тайёр буюмларни сақлашнинг белгиланган талабларига мувофиқликни таъминлаш;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни, улардан тайёрланган буюмларни сақлаш, ҳисобга олиш ва ташиш талабларига ҳамда уларни реализация қилиш тартибига риоя этиш;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасида кўрсатилган доирада амалга ошириш;

етти иш кунидан кечикмай Асиллик даражасини белгилаш палатасини:

юридик шахс томонидан — қайта рўйхатдан ўтгандан кейин юридик шахснинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) тўғрисида, шунингдек унга берилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасида кўрсатилган жойнинг ёки фаолият турининг ўзгаргани бўйича қарор қабул қилингани тўғрисида;

якка тартибдаги тадбиркор томонидан — якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисида берилган гувоҳномада кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми, фаолият кўрсатиш жойи, тури ва бошқа маълумотларнинг ўзгаргани ҳақида хабардор қилиш.

III. Аризани кўриб чиқиш ва рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

8. Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларга ёки қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан тайёрланган заргарлик буюмлари билан чакана савдо қилишга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олиш учун ариза берувчи — юридик шахс томонидан Асиллик даражасини белгилаш палатасига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш учун ушбу Низомнинг 4-илоvasига мувофиқ шакл бўйича ариза;

уставнинг нусхаси;

юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

ариза берувчи томонидан фаолиятнинг лицензияланадиган тури амалга оширилган тақдирда — лицензиянинг нусхаси;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни амалга ошириш мўлжалланаётган бино ва хоналарга бўлган мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси;

юридик шахснинг фаолияти хусусиятига мувофиқ ўлчовлар доирасида

«Ўзстандарт» агентлиги органлари томонидан берилган тарозилар, (турли оғирликдаги) тошларнинг текширилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни амалга ошириш мўлжалланаётган объектнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида давлат ёнғин назорати органлари хулосасининг нусхаси;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан фойдаланиш мўлжалланаётган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ажратилган объектлар учун объектнинг техникавий мустаҳкамлиги ҳамда унинг шартнома асосида техникавий қўриқлаш пултига уланганлиги предмети юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ҳудудий органлари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмалари томонидан объектни текшириш далолатномасининг нусхаси;

рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш ва уни бериш учун йиғимлар тўлангани тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг нусхаси.

9. Якка тартибдаги буюртма бўйича қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлашга, шунингдек заргарлик буюмларини таъмирлаш ишларига рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олиш учун Асиллик даражасини белгилаш палатасига ариза берувчи — якка тартибдаги тадбиркор томонидан қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш учун ушбу Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шакл бўйича ариза;

якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни амалга ошириш мўлжалланаётган бино ва хоналарга бўлган мулк ҳуқуқини ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси;

якка тартибдаги тадбиркор фаолиятининг хусусиятига мувофиқ, фаолият турига ва аниқлик классига боғлиқ ҳолда, тарозилар, (турли оғирликдаги) тошларнинг текширилгани тўғрисида «Ўзстандарт» агентлиги органлари томонидан берилган гувоҳноманинг нусхаси;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни амалга ошириш мўлжалланаётган объектнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида давлат ёнғин назорати органлари хулосасининг нусхаси;

рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш ва уни бериш учун йиғимлар тўлангани тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг нусхаси.

10. Ариза берувчидан ушбу Низомнинг 8 ва 9-бандларида назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

11. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ариза берувчи томонидан Асиллик даражасини белгилаш палатасига бевосита, ҳужжатларнинг олингани тўғрисидаги хабарнома билан почта алоқа воситалари орқали ёки электрон шаклда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар ариза берувчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олиш учун Асиллик даражасини белгилаш палатасига тақдим этилган хужжатлар рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхат хужжатларнинг Асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан қабул қилиб олинган санаси қайд этилган ҳолда дарҳол ариза берувчига берилади (юборилади).

12. Асиллик даражасини белгилаш палатаси аризани ушбу Низомнинг 8 ва 9-бандларида назарда тутилган хужжатлар қабул қилиб олинган санадан бошлаб ўн иш кунидан ошмайдиган муддатда кўриб чиқади ва рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини беради ёки уни беришни рад этади.

13. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини:

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга ёки қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан тайёрланган заргарлик буюмлари билан чакана савдо қилишга бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиққанлик учун — юридик шахсдан энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдориди;

якка тартибдаги буюртма бўйича қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлашга, шунингдек заргарлик буюмларини таъмирлашга бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиққанлик учун — якка тартибдаги тадбиркордан энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдориди йиғим ундирилади.

Ундирилган йиғим суммаси Асиллик даражасини белгилаш палатаси ҳисоб рақамига ўтказилади. Юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтариб берилмайди.

14. Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни бажариш натижасида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига ва атроф-муҳитга зарар етиши хавфи пайдо бўлишига шубҳалар пайдо бўлган тақдирда Асиллик даражасини белгилаш палатаси рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун юридик шахснинг ва якка тартибдаги тадбиркорнинг ишлаб чиқариш базасини унинг қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга тайёрлигини аниқлаш юзасидан текширувдан ўтказиш ҳуқуқига эга.

15. Асиллик даражасини белгилаш палатаси ариза берувчига рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини беради (юборади) ёки уни рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини беришни рад этиш ҳақида тегишли қарор қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кунидан кеч бўлмаган муддатда уни ёзма шаклда хабардор қилади.

16. Асиллик даражасини белгилаш палатаси аризачининг рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқишнинг белгиланган муддати мобайнида ариза берувчига рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бермаган (юбормаган) ёки уни беришни рад этмаган тақдирда ушбу Низомнинг 12-бандида назарда тутилган муддат ўтгач ариза берувчи ўзи амалга ошириш учун рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олишни ният қилган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни, бу тўғри-

да Асиллик даражасини белгилаш палатасини ёзма шаклда хабар қилган ҳолда бажариш ҳуқуқига эга.

Ушбу банднинг биринчи хатбошида назарда тутилган ҳолатда Асиллик даражасини белгилаш палатаси ариза берувчининг ёзма хабарномаси олинган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида унга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси бериши шарт. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси олингунгача, ҳужжатлар қабул қилинган сана кўрсатилган ҳолда тақдим этилган ҳужжатлар рўйхати ҳамда ариза берувчи томонидан Асиллик даражасини белгилаш палатасига юборилган ёзма хабарнома рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасига тенглаштирилади ҳамда қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

17. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси Асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан бевосита ариза берувчининг — юридик шахснинг раҳбарига ёки якка тартибдаги тадбиркорга ёхуд белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончномани тақдим этиши шарти билан уларнинг ваколатли вакилига берилади (юборилади).

Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш (юбориш) тўғрисида берилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномалари реестрига Асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан белги қўйилади.

18. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини:

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга ёки қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан тайёрланган заргарлик буюмлари билан чакана савдо қилишга берганлик учун — юридик шахсдан энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида;

якка тартибдаги буюртма бўйича қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлашга, шунингдек заргарлик буюмларини таъмирлашга берганлик учун — якка тартибдаги тадбиркордан энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

Ундирилган йиғим суммаси Асиллик даражасини белгилаш палатаси ҳисоб рақамига ўтказилади. Асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш рад этилганда, шунингдек ариза берган берилган аризасини рад этган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтариб берилмайди.

19. Юридик шахснинг қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан тайёрланган буюмлар билан чакана савдо қилишга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш якунлари бўйича Асиллик даражасини белгилаш палатаси юридик шахсга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланадиган савдо объектининг жойлашиши тартибини (дислокациясини) ҳам беради.

Савдо объектининг жойлашиши тартибини олиш учун Асиллик даражасини белгилаш палатаси ариза олинган санадан бошлаб икки кундан кечикмай Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига мурожаат қилади. Бунда савдо объекти жойла-

шиши тартибини тасдиқлаш ва уни Асиллик даражасини белгилаш палатасига юбориш Асиллик даражасини белгилаш палатасининг мурожаати тушган санадан бошлаб уч иш куни мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан амалга оширилади.

20. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш куйидаги асослар бўйича рад этилиши мумкин:

рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олиш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг ариза берувчи томонидан тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилиши;

ариза берувчининг рухсат бериш талаблари ва шартларига номувофиқлиги;

ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ёки нотўғри маълумотларнинг мавжудлиги;

ушбу Низомнинг 14-бандига мувофиқ Асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан ўтказилган текширишлар якунлари бўйича хулосанинг асосли равишда салбий бўлиши.

Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини беришнинг бошқа асосларга, шу жумладан мақсадга мувофиқ эмаслигига кўра рад этилишига йўл қўйилмайди.

21. Асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги тегишли хабарнома ариза берувчига ёзма шаклда юборилади (тақдим этилади), унда рад этишнинг сабаблари, қонунчиликнинг аниқ нормалари ва ариза берувчи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такрорий кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилади. Ариза берувчи рад этиш сабабларини бартараф этишга ва такрорий кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тақдим этишга ҳақли бўлган муддат рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш рад этилгани тўғрисидаги ёзма хабарнома олинган кундан бошлаб ўн иш кунидан кам бўлиши мумкин эмас.

22. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар аризачи томонидан белгиланган муддатда бартараф этилган тақдирда ҳужжатларни такрорий кўриб чиқиш, рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш ёки беришни рад этиш Асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан ариза берувчининг рад этишнинг сабаблари бартараф этилгани ва уларнинг бартараф этилгани тўғрисидаги аризаси ва сабабларнинг бартараф этилганини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан бошлаб ўн иш кунидан ошмайдиган муддатда амалга оширилади.

Ариза берувчининг аризасини такрорий кўриб чиққанлик учун йиғим ундирилмайди.

23. Ҳужжатларни такрорий кўриб чиқишда Асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан ариза берувчига ёзма шаклда илгари баён қилинмаган рад этиш сабабларининг кўрсатилишига йўл қўйилмайди, илгари кўрсатилган сабабларни бартараф этилганини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ бўлган рад этиш сабабларининг кўрсатилиши бундан мустасно.

24. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини беришнинг рад этилгани тўғри-

сидаги ёзма хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин ариза берувчи томонидан берилган ариза янгидан берилган ҳисобланади ва Асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

25. Ариза берувчи рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини беришнинг рад этилганлиги, шунингдек Асиллик даражасини белгилаш палатаси мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда шикоят билдириш ҳуқуқига эга.

IV. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш

26. Юридик шахс қайта ташкил этилганда, унинг номи ва жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда ёхуд унинг томонидан унга берилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасида кўрсатилган фаолиятининг жойи ва турини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилинганда юридик шахс (унинг ҳуқуқий вориси) қайта рўйхатдан ўтказилгандан ёхуд фаолиятининг жойи ва турини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин етти иш куни мобайнида Асиллик даражасини белгилаш палатасига қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга ёки қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан тайёрланган заргарлик буюмлари билан чакана савдо қилишга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани, кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда бериши шарт.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг фамилияси, исми, отасининг исми, унга берилган давлат рўйхатидан ўтказиш гувоҳномасида кўрсатилган фаолиятининг жойи ёки тури ўзгарган тақдирда якка тартибдаги тадбиркор қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин етти иш куни мобайнида Асиллик даражасини белгилаш палатасига якка тартибдаги буюртма бўйича қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш, шунингдек заргарлик буюмларини таъмирлаш бўйича ишларга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт, аризага кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Ҳужжатлар юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркор томонидан Асиллик даражасини белгилаш палатасига бевосита, уларнинг олингани тўғрисидаги хабарнома билан почта алоқаси воситаси орқали ёки электрон шаклда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар ариза берувчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

27. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси қайта расмийлаштирилгунгача юридик шахс (унинг ҳуқуқий вориси) ва якка тартибдаги тадбиркор унда кўрсатилган ишларни рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини қайта расмийлаштириш тўғрисида берилган ариза асосида, Асиллик даражасини белгилаш палатасининг ариза қабул қилинган сана тўғрисидаги белгиси билан амалга оширадilar.

28. Асиллик даражасини белгилаш палатаси рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини қайта расмийлаштиришда берилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномалари реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади.

Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини қайта расмийлаштириш ва бериш (қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан тайёрланган заргарлик буюмлари билан чакана савдо қилишда савдо объектининг янги жойлашиш тартиби (дислокацияси) билан бирга) Асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан, қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган ҳолда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза олинган кундан бошлаб беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади:

ушбу Низомнинг 26-бандида кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар;

қайта расмийлаштирилганлик учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркордан ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

29. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини:

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга ёки қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан тайёрланган заргарлик буюмлари билан чакана савдо қилишга қайта расмийлаштирилганлик учун — юридик шахсдан энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида йиғим ундирилади;

якка тартибдаги буюртма бўйича қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмларини тайёрлаш, шунингдек заргарлик буюмларини таъмирлаш ишларига қайта расмийлаштирилганлик учун — якка тартибдаги тадбиркордан энг кам ойлик иш ҳақининг 25 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

Йиғим суммаси Асиллик даражасини белгилаш палатасининг ҳисоб рақамига ўтказилади.

30. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиши унда кўрсатилган муддат ўтгандан кейин юридик шахснинг ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг аризасига кўра узайтирилиши мумкин. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза унда кўрсатилган муддат тугагунгача ариза берувчи томонидан берилиши керак.

Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узайтириш рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

31. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиш муддатини:

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга ёки қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан тайёрланган заргарлик буюмлари билан чакана савдо қилишга узайтирилганлик учун — юридик шахсдан энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида йиғим ундирилади;

якка тартибдаги буюртма бўйича қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш, шунингдек заргарлик буюмлари-

ни таъмирлаш ишларига узайтирганлик учун — якка тартибдаги тадбиркордан энг кам ойлик иш ҳақининг 25 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

Йиғим суммаси Асиллик даражасини белгилаш палатасининг ҳисоб рақамига ўтказилади.

32. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси йўқолганда ёки яроқсизланганда юридик шахсининг ва якка тартибдаги тадбиркорнинг аризасига кўра унинг дубликати берилади.

Асиллик даражасини белгилаш палатаси рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси дубликатини ариза, у яроқсизланган тақдирда — рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг асл нусхаси олинган, шунингдек дубликатни бериш учун рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини қайта расмийлаштиришда тўланадиган суммага тенг бўлган йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилган кундан бошлаб беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда бериши (юбориши) шарт.

Янги рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси Асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан, рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси бланкасининг ўнг томонидаги юқориги бурчагига «Дубликат» сўзини қайд этиб, унинг асл нусхасида кўрсатилган амал қилиш муддатини сақлаган ҳолда берилади.

V. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва уни бекор қилиш

33. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, шунингдек уни бекор қилиш «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг тегишли равишда 22, 23 ва 25-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

Бунда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиш муддати тўхтатилганда ва унинг амал қилишини узайтириш тўғрисида ариза тушмаганда ушбу Низомнинг 30-бандига мувофиқ Асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ёзма шаклда тегишли хабарнома юборилади. Юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркор янги рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олгунга қадар қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ўз фаолиятини давом эттиришга ҳақли эмас.

Амал қилиши тўхтатилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси унинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида тегишли хабарнома олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида Асиллик даражасини белгилаш палатасига қайтариб берилади.

34. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиш учун асос берадиган рухсат бериш талаблари ва шартларининг бир марта қўпол равишда бузилишига қўйидагилар қиради:

рухсат бериш талаблари ва шартларига риоя этилиши юзасидан Асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан белгиланган тартибда ўтказиладиган текширишлардан бош тортиш;

улар учун рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси берилган қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлар турларини бажариш натижасида фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилиши ёхуд бундай зарар етказилиши аниқ хавфнинг пайдо қилиниши.

35. Юридик шахснинг муассислари (қатнашчилари) томонидан уни ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганда ёки якка тартибдаги тадбиркор томонидан — ўз фаолиятини тўхтатиш ёхуд вақтинчалик тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилинганда уларга берилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномалари бундай қарорни қабул қилиш тўғрисида рўйхатга олган орган хабардор қилинган вақтдан бошлаб бир ой муддатда Асиллик даражасини белгилаш палатасига сақлаш учун топширилади.

Юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор томонидан ўз фаолияти тикланган тақдирда сақлаш учун топширилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси Асиллик даражасини белгилаш палатасига берилган тегишли ариза асосида қайтариб берилади.

36. Юридик шахснинг ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарори тасдиқланган тақдирда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиши тўхтатилади, бу тўғрида берилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномалари реестрига тегишли ёзув киритилади.

37. Ушбу Низомнинг 33 ва 36-бандларига мувофиқ амал қилиши тўхтатилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномалари белгиланган тартибда йўқ қилинади.

VI. Берилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномалари реестри

38. Берилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаларининг реестри қоғоз ва электрон манбаларда Асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан юритилади.

39. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг берилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномалари реестри Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

40. Реестрда юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар тўғрисида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили ва фаолият кўрсатадиган жойининг манзили ва телефони (якка тартибдаги тадбиркорлар учун — фамилияси, исми, отасининг исми, паспорти маълумотлари, почта манзили ва фаолият кўрсатадиган жойининг манзили, телефони);

амалга ошириш учун рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси олинган фаолият тури;

рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг берилган санаси ва рақами, унинг амал қилиш муддати;

рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг қайта расмийлаштирилиши, амал қилишининг тўхтатиб турилиши ва тикланишининг асослари ва санаси;

рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилишини тўхтатишнинг асослари ва санаси;

рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бекор қилишнинг асослари ва санаси;
рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси дубликатларини беришнинг асослари
ва санаси.

VII. Яқунловчи қоидалар

41. Амалга оширилиши учун рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси олинган ишлар, фақат юридик шахс (унинг юридик шахс мақомига эга бўлмаган таркибий бўлинмаси) ва рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси олган якка тартибдаги тадбиркор томонидан амалга оширилиши мумкин. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини ёки унинг бўйича ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

42. Таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар мавжуд бўлган заргарлик ва бошқа маиший буюмларни тайёрлаш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахсга ва якка тартибдаги тадбиркорга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси берилгандан ёки қайта расмийлаштирилгандан кейин унинг шакли, белгилари ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот берилади.

43. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаларининг бланкалари улар бўйича қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади.

Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномалари бланкаларини ҳисобга олиш ва сақлаш Асиллик даражасини белгилаш палатасига юкланади.

44. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	Рўйхатга мувофиқ, рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлайди ва уларни бевосита, уларнинг олингани тўғрисидаги хабарнома билан почта алоқаси орқали ёки электрон шаклда Асиллик даражасини белгилаш палатасига тақдим этади.	ариза берувчининг хоҳишига кўра
2-босқич	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигининг Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси	<p>1. Асиллик даражасини белгилаш палатаси рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни рўйхат бўйича қабул қилади, рўйхат ҳужжатлар қабул қилинган сана тўғрисидаги белги билан ариза берувчига дарҳол берилади (юборилади).</p> <p>2. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқади, уни бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.</p> <p>3. Рухсат бериш тусидаги ҳужжатни беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш ҳақидаги хабарнома, рад этишнинг сабаблари, қонунчиликнинг аниқ нормалари ва ариза берувчи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такрорий кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддатни кўрсатган ҳолда ёзма шаклда ариза берувчига юборилади (тақдим этилади).</p> <p>4. Ҳужжатлар рад этиш сабаблари бартараф этилгандан кейин ариза берувчи томонидан такроран тақдим этилган тақдирда уларни кўриб чиқади.</p> <p>5. Ариза берувчига рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини ёки гувоҳномани беришни рад этиш тўғрисидаги ёзма шаклдаги хабарномани беради (юборади).</p>	<p>1) ҳужжатлар қабул қилинган кунда;</p> <p>2) ҳужжатлар қабул қилинган санадан бошлаб ўн иш куни мобайнида;</p> <p>3) бир иш кунидан кечикмай;</p> <p>4) ҳужжатлар қабул қилинган санадан бошлаб ўн иш куни мобайнида;</p> <p>5) тегишли қарор қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кунидан кечикмай.</p>

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо
тошлар билан ишлашга рўйхатдан ўтказиш
гувоҳномасини бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан тайёрланган
заргарлик буюмлари билан чакана савдо қилишга рўйхатдан
ўтказиш гувоҳномасини бериш
СХЕМАСИ**

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи (юридик шахс)	Рўйхатга мувофиқ, рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлайди ва уларни бевосита, уларнинг олингани тўғрисидаги хабарнома билан почта алоқаси орқали ёки электрон шаклда Асиллик даражасини белгилаш палатасига тақдим этади.	ариза берувчининг хоҳишига кўра (юридик шахс)
2-босқич	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигининг Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси	1. Асиллик даражасини белгилаш палатаси рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни рўйхат бўйича қабул қилади, рўйхат ҳужжатлар қабул қилинган сана тўғрисидаги белги билан ариза берувчига дарҳол берилади (юборилади). 2. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқади, ҚР Вазирлар Кенгашидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларидан савдо объектнинг жойлашиши тартибини олиш учун сўровномани тайёрлайди, уларга юборади.	1) ҳужжатлар қабул қилинган кунда; 2) ҳужжатлар қабул қилинган санадан бошлаб икки иш кунидан кечикмай;
3-босқич	ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	3. Савдо объектнинг жойлашиши тартибини тасдиқлаш ва Асиллик даражасини белгилаш палатасига юбориш.	3) Асиллик даражасини белгилаш палатаси сўровномаси олингандан кейин уч иш куни мобайнида;
4-босқич	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигининг Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси	4. Ҳужжатларни ва савдо объекти жойлашиши тартибини кўриб чиқиш якунлари бўйича рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. 5. Рухсат бериш тусидаги ҳужжатни беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш ҳақидаги хабарнома, рад этишнинг сабаблари, қонунчиликнинг аниқ нормалари ва ариза берувчи кўрсатилган сабабларни барта-раф этиб ҳужжатларни такрорий кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддатни кўрсатган ҳолда ёзма шаклда ариза берувчига юборилади (тақдим этилади). 6. Ҳужжатлар рад этиш сабаблари барта-раф этилгандан кейин ариза берувчи томонидан так-роран тақдим этилган тақдирда уларни кўриб чиқади. 7. Ариза берувчига рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш ёки гувоҳномани беришни рад этиш тўғрисидаги ёзма шаклдаги хабарномани беради (юборади).	4) уч иш куни мобайнида; 5) бир иш кунидан кечикмай; 6) ҳужжатлар қабул қилинган санадан бошлаб ўн иш куни мобайнида; 7) бир иш кунидан кечикмай.

25 (629)-сон

— 31 —

306-модда

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

серия № _____ (Ўзбекистон Республикаси Давлат Гербининг тасвири)

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Қимматбаҳо металллар агентлиги
Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси**

**Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан тайёрланган заргарлик буюмлари билан чакана савдо қилишга
РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ГУВОҲНОМАСИ**

№ _____ йил « ____ » _____

(юридик шахснинг номи (якка тартибдаги тадбиркор учун — Ф.И.О.)

(юридик шахснинг почта манзили (якка тартибдаги тадбиркор учун — уй манзили)

_____ **рўйхатдан ўтказилган.**

(фаолият турлари)

(фаолият жойининг почта манзили)

Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиш муддати:

_____	_____	_____	_____
дан	гача	(ДАП бошлиғи)	(имзо, муҳр)
_____	_____	_____	_____
дан	гача	(ДАП бошлиғи)	(имзо, муҳр)
_____	_____	_____	_____
дан	гача	(ДАП бошлиғи)	(имзо, муҳр)
_____	_____	_____	_____
дан	гача	(ДАП бошлиғи)	(имзо, муҳр)

Амал қилиш муддати ўтгач рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси амал қилиш муддати тўхтаган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

Юридик шахснинг ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти тўхтаган ёки тўхтатиб турилган тақдирда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси ўн кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Давлат асиллик даражасини белгилаш палатасига қайтарилиши шарт.

Юридик шахслар учун

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

Қаерга _____
(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)

Кимга _____
(Асиллик даражасини белгилаш палатаси раҳбарининг Ф.И.О.)

_____ дан
(ариза берувчи раҳбарининг Ф.И.О.)

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан тайёрланган заргарлик буюмлари билан чакана савдо қилишга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини беришга (қайта расмийлаштиришга, дубликат беришга, амал қилиш муддатини тўхтатиб туришга, тўхтатишга, узайтиришга)

АРИЗА

1. _____
(юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, тўлиқ ва қисқартирилган номи)

Асиллик палатасининг рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси _____

(беришни, қайта расмийлаштиришни, дубликат беришни, амал қилиш муддатини тўхтатиб туришни, тўхтатишни, узайтиришни)

_____ беришни сўрайман.

2. _____
(фаолият тури)

_____ амалга ошириш учун

3. _____
(фаолиятни амалга ошириш жойининг манзили)

4. _____
(почта манзили, почта индекси)

5. _____
(банк муассасасининг номи ва ҳисоб рақами)

6. Боғланиш телефони: _____

Илова қилинаётган ҳужжатлар*:

- | | |
|----------|----------|
| 1. _____ | 5. _____ |
| 2. _____ | 6. _____ |
| 3. _____ | 7. _____ |
| 4. _____ | 8. _____ |

* Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомда назарда тутилганлар.

(тўлдириш санаси)

(муассиснинг ёки ваколатли шахснинг — ариза берувчининг имзоси)

(ариза қабул қилинган сана)

(рўйхатдан ўтказувчи орган масъул ходимининг имзоси)

Юридик шахс бўлмаган
якка тартибдаги тадбиркорлар учун

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо
тошлар билан ишлашга рўйхатдан ўтказиш
гувоҳномасини бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

Қаерга _____
(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)

Кимга _____
(Асиллик даражасини белгилаш палатаси раҳбарининг Ф.И.О.)

_____ дан
(ариза берувчининг Ф.И.О.)

**Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга,
қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан тайёрланган
заргарлик буюмлари билан чакана савдо қилишга рўйхатдан
ўтказиш гувоҳномасини беришга** (қайта расмийлаштиришга,
дубликат беришга, амал қилиш муддатини тўхтатиб туришга,
тўхтатишга, узайтиришга)

АРИЗА

1. Асиллик палатасининг рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини юридик шахс
бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорга _____
_____ беришни сўрайман.
(беришни, қайта расмийлаштиришни, дубликат беришни, амал қилиш
муддатини тўхтатиб туришни, тўхтатишни, узайтиришни)

_____ (якка тадбиркорнинг Ф.И.О.)

2. _____ ни амалга ошириш учун.
_____ (фаолият тури)

3. _____
(фаолиятни амалга ошириш жойининг манзили)

4. _____ муддатга

5. Паспорт маълумотлари: _____
(серияси, №, ким томонидан берилган)

6. Уй манзили: _____

7. Почта индекси: _____ боғланиш телефони: _____

Илова қилинаётган ҳужжатлар*:

- | | |
|----------|----------|
| 1. _____ | 5. _____ |
| 2. _____ | 6. _____ |
| 3. _____ | 7. _____ |
| 4. _____ | 8. _____ |

* Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомда назарда тутилганлар.

_____ (тўлдириш санаси)

_____ (муассиснинг ёки ваколатли шахснинг — ариза берувчининг имзоси)

_____ (ариза қабул қилинган сана)

_____ (рўйхатдан ўтказувчи орган масъул ходимининг имзоси)

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 12 июндаги 156-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Қимматбаҳо ва нодир металллар, қимматбаҳо тошлар
қазиб олиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 7-банднинг еттинчи хатбошидаги «Ўзбекистон» сўзидан олдин «Лицензия расмийлаштирилгандан кейин олинадиган» сўзлари қўшилсин.

2. 9-бандда:

саккизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўққизинчи хатбоши саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.